

КОИСА ва "Ўзкимёсаноат" АЖ стипендиатлар билан учрашув ўтказди.

// 12.03.2024

<https://uzkimyosanoat.uz/uz/press/news/koica-va-uzkimyosanoat-azh-stipendiatlar-bilan-uchrashuv-utk>



Корея халқаро ҳамкорлик агентлигининг (КОИСА) Ўзбекистондаги ваколатхонаси "Ўзкимёсаноат" АЖ билан ҳамкорликда КОИСА стипендия дастури янги гуруҳи билан учрашув ўтказди.

Мутахассислар Кореянинг Даежон шаҳридаги Фан ва технология университети (УСТ) магистратура босқичида ўқишни бошлайди.

Бугунги кунгача дастур учун магистратурага 9, докторантурага 3 нафар номзод танлаб олинди. Улардан 6 магистрант ва 3 нафар докторант аллақачон стипендия дастурларида Кореяда ўқишни бошлашган. Март ойида улар сафига яна 3 нафар магистрант қўшилади. Бу талабалар танлов асосида сараланади. Танлов эса Ўзбекистон бўйлаб кимё муҳандислиги мутахассислигида таҳсил олаётган барча учун очиқ.



Мазкур стипендия дастури КОИСА, "Ўзкимёсаноат" АЖ ва Корея илмий-тадқиқот ташкилоти ((KRICT) билан ҳамкорликдаги "Кимёвий технологиялар маркази (UzссТ) салоҳиятини ошириш" (7,0 миллион АҚШ доллари/2021-2027 йиллар), йирик ташаббуснинг бир қисми ҳисобланади. КОИСА талабаларнинг ўз илмий ишларига бор эътиборларини қаратиши ва сифатли таълим олишлари учун ўқув харажатларини тўлиқ молиялаштиради. Лойиҳа Ўзбекистон кимё саноатининг рақобатбардошлигини ошириш, 2025-йилгача Ўзбекистон кимё технологиялари маркази (ЎзКМТ) учун операцион инфратузилмани яратиш ва соҳада юқори даражали кадрлар салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган.



Тадбирда КОІСанинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили Ким Тае Хун Буюк Британияда таҳсил олган мутахассис сифатида шахсий тажрибаси билан ўртоқлашди. У янги маданият ва муҳитга мослашишнинг аҳамияти, талабаларни чет элда вақтларини унумли ўтказиш имкониятидан фойдаланишга ундади.

“Ўзкимёсаноат” АЖ лойиҳа офиси директори Акмал Маҳмудов нуфузли стипендия дастурининг аҳамиятини таъкидлаб, талабаларни Кореяда таълим олишда аниқ мақсадлар қўйиш, тажрибаларини максимал даражада оширишга ундади.